# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 127 (9.319) 1999 йил 1 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Қурилиш*

## СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА

**Шаҳримиздаги қурилиш ишлари олиб борилаётган уйларнинг кўпчилигида 2-уй-жой қуриш комбинатига қарашли қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари меҳнат қилишмоқда. Улардан биргина 61-қурилиш бошқармасининг жамоаси айни вақтда тўртта туманда ишлаяпти. Қувонарлиси шундаки, бунёдкорлар барча иншоотларда бош пудратчилик вазифасини адо этишаётир.**

— Бизга юклатилган вазифа қанчалар масъулиятли эканлигини тўғри ҳис этиб, сидқидилдан меҳнат қилаяпмиз, — дейди 61-қурилиш бошқармаси бошлиғи Шаҳобиддин Шотиллаев. — Чунки ҳамма ҳам бош пудратчиликни амалга оширавермайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир уйни — у тўрт қаватли бўладими ёки тўққиз қаватли, бунинг аҳамияти йўқ, асосий мақсад чиройли ва кўркам қилиб уй эгаларига топширишдир. Айни шу кунларда Шайхонтоҳур туманидаги 9 қаватли бинода пардоз ишлари тугалланяпти. Шунингдек, Қоратош кўчасидаги 103-уй ҳам тез кунларда ўз эгаларига топширилади. Бу уйларда қурилиш ишлари битгач ҳамшаҳарларимиздан 144 хонадон ҳовли тўйлари ўтказишади. Чилонзор туманидаги 4 қаватли уй-жойни қуриш ишида 50 дан зиёд қурувчи иштирок этаяпти.

Собир Раҳимов туманидаги 9 қаватли бинонинг 1-қаватида маиший, савдо шохобчалари учун қайта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бектемир туманидаги ҳарбий қисмда солдатлар клубини қуришни бошлаб юбордик. Ишларимизнинг жадал боришида бригадирларимиз Сергей Пак, Дмитрий Кукин, Лёня Мавридийлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

***Гули АБДУЛЛАЕВА.***

---

**1999** *5 декабрь* **САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН** **2000** *9 январь*

*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга* **34 : кун қолди**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига* **69 : кун қолди**

- *Қонуний қоидалар асосида*
- *Ҳуқуқларнинг тўла-тўкислиги*
- *Ошкоралик ва мулоқот тарзида*

## ҲАР БИР ОВОЗ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИДИР

Кўп минг кишилик депутатликка номзодлар орасидан янги минг йилликда қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлисда халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи депутатликка энг муносиб ва энг саралари сайланадиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказилишига ҳам бир ойдан ортиқроқ вақт қолди.

Ҳозирча, бугунги кундан бошлаб эса сайловчилар сайловлар куни овоз берадиган ўз номзодлари билан қисман танишишлари мумкин бўлади — республика ва маҳаллий матбуот нашрларида сайлов округларига мувофиқ, исми шарифлари, туғилган йиллари, партияларга мансубликлари, эгаллаб турган лавозимлари (фаолият турлари), иш ва яшаш жойлари, шунингдек, депутатликка номзодни кўрсатган органнинг номи битилган ҳолда рўйхатдан ўтган Республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотлар чоп этила бошланади.

Шаҳар газеталари ҳисобланмиш «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» кейинги сонда 60 та сайлов округлари бўйича номзодлари қўйилган халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларнинг рўйхатларини чоп этади. Бу — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 60 нафар депутат сайланади демакдир.

Шаҳар сайлов комиссиясидан бизга хабар қилишларича, бу ерга ўз вакилларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатган бешта сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 282 та ҳужжат келиб тушган.

Рўйхатдан ўтказишга тайёрланиш чоғида, ҳар бир ҳужжат батафсил текширувдан ўтказилиши жараёнида уларнинг баъзиларида сайловлар тўғрисидаги қонунлар талабларига зид бўлган хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Чунончи, шаҳар сайлов комиссиясига бошқа ҳужжатлар билан бирга «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасидан келиб чиқадиган талабларга жавоб бермайдиган фуқаролар учун ҳам ҳужжатлар топширилган. Маълумки, ушбу моддада сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар; қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари; Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслиги айтилади. Бундан ташқари судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинишлари мумкин.

Шаҳар сайлов комиссиясига келиб тушган 282 та ҳужжатдан 21 таси текширувлар ва қайта кўриб чиқишлардан сўнг қонуннинг юқорида қайд этилган талабларига мувофиқ келмаганлиги сабабли рўйхатдан ўтказилмаганлиги учун ўз номзодларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатган тегишли органларга қайтарилди.

Маълумки, бу йилги сайловларда илк бор сайловчилар қаторидаги фуқаролар ёки фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлар ҳам иштирок этадилар. Чунончи, шаҳар сайлов комиссиясига ҳужжатларини топширган 15 та сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларининг орасидан рўйхатдан ўтказишда лозим бўлган барча ҳужжатлар, энг муҳими — депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи етарли даражадаги имзоларни тўплай олган тўққизтасигина ўз номзодларини рўйхатдан ўтказишга муваффақ бўлди.

Бешта сиёсий партиядан кўрсатилган деярли барча номзодлар ҳам рўйхатдан муваффақиятли ўтди. Бинобарин, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка «Адолат» партиясидан 34 та номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 39 та номзод, «Миллий тикланиш» партиясидан 19 та номзод, Фидокорлар миллий демократик партиясидан эса 52 нафар номзод рўйхатдан ўтказилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига энг кўп номзодлар — 60 нафар кишини Ўзбекистон Халқ демократик партияси кўрсатди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ўзига хос томони шундаки, 20-моддага мувофиқ халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек бевосита фуқаролар эгадирлар. Шунга биноан шаҳар сайлов комиссиясида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан депутатликка кўрсатилган 48 нафар номзод рўйхатдан ўтказилди. Бу эса бутун республика бўйлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган номзодлар орасида энг катта кўрсаткичдир.

Шундай қилиб 5 декабрда Республика Олий Мажлиси депутатлиги, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлигига сайловлар билан бир қаторда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳам депутатлар сайлови бўлиб ўтади. Бунда рўйхатдан ўтқазилган 261 нафар номзоддан фақат 60 тасигина депутатликка сайланади. Демак, сайловлар кескин курашлар остида ўтади, унинг натижалари эса аввалambор сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тенг ҳуқуқлар ва тенг кафолатлар берилган депутатликка номзодларнинг ўзига боғлиқдир. Кураш адолатли ва холис кечиши учун эса ҳар бир номзод биринчи навбатда ўзи ва келгусида эгаллайдиган ўрни эмас, балки ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган сайловчининг ҳар бир овози учун ҳам курашиши лозим бўлади.




## КЕЛИШУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссияси ҳузуридаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Келишув кенгаши ўз ишини бошлади.***

Кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида шаҳар сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар шаҳар кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ф. Маликов бошқарди. Унда яқинлашиб келаётган сайловларга тайёргарликнинг энг долзарб босқичи — сайловолди тарғиботларини олиб боришда мавжуд қонунларга ва демократик тамойилларга қатъий риоя қилишнинг муҳим аҳамияти тўғрисида гап кетди. Жумладан, сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан республика Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилаётган номзодларни тарғиб этишда шаҳар газеталари, телерадио каналларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада оммавий ахборот воситалари жамоаларининг холис ва малакали фаолиятларининг аҳамияти ҳамда сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлими вакилларининг чиқишлари ҳамда депутатликка номзодларни бевосита тарғиб қилиш тартиби ҳақида шаҳар матбуот маркази раҳбари С. Саидвалиев изоҳ берди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида Олий Мажлис ва шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловларда қатнашаётган манфаатдор ташкилотларнинг сайловолди дастурлари ва номзодларни тарғиб қилиш бўйича таҳририят режаларини гапириб берди ҳамда барча томонлар учун тенг ҳуқуқли бир хил шароит яратиб бериш сайловларимизнинг ҳаққоний ва адолатли ўтишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлади. Ҳар иккала газета ҳамда «Тошкент» телеканали, «Тошкент» радиостудияси, «Грант», «Сезам» радиостудиялари дастурларида манфаатдор ташкилотлар ҳамда депутатликка номзодларни тенг ҳуқуқлилик асосида тарғиб қилиш қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Маълумки, сайловолди ташвиқотлари депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қуръа натижаларига кўра, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида биринчи бўлиб Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органига, кейин «Адолат» социал-демократик партияси, Халқ-демократик партияси, «Миллий тикланиш» партияси шаҳар кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази шаҳар бўлими, «Ватан тараққиёти» партияси ҳамда Фидокорлар Миллий-демократик партиялари шаҳар ташкилотларига навбатма-навбат тенг ҳажмда жой ажратилади.

«Тошкент» телеканалида эса, дастлаб «Миллий тикланиш» партияси, унинг кетидан Халқ демократик партияси ва биринкетин «Адолат» социал-демократик партияси шаҳар кенгашлари Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар кўрсатган ҳокимият вакиллик органи, «Ватан тараққиёти» партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, шаҳар кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлимига тенг вақт ажратилган ҳолда ўрин берилиши керак.

«Тошкент» радиостудияси, «Грант» ва «Сезам» радиостудиялари орқали сайловолди тарғибот ишларини олиб боришдаги навбатма-навбат эфир вақти ажратилиши қуръа ташлаш натижаларига асосан белгиланди.

Йиғилишда Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатган манфаатдор ташкилотлар ҳамда номзодларнинг чиқишлари, уларни тарғиб этиш бўйича маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг режа ва махсус жадвалларини «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилишга келишилди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ф. Маликов ҳамда матбуот маркази раҳбари йиғилишда иштирок этган сиёсий партиялар Тошкент шаҳар Кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази шаҳар бўлими вакилларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

### «ГРАНД» РАДИОСИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ЭФИРГА ЧИҚИШ ЖАДВАЛИ

| | Дастур билан таништириш | Ташкилот раҳбарининг чиқиши | Номзодларнинг чиқишлари | Тўғридан тўғри мулоқот |
|---|---|---|---|---|
| **Миллий тикланиш партияси** | 05.11.99 й. соат 11.30 да ва 19.30 да (такрор) 15 минутдан | 12.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 19.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да. (такрор) 15 мин. | 26.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 минутдан. |
| **Фидокорлар Миллий демократик партияси** | 06.11.99 й. 11.30 да ва 19.30 да (такрор) 15 минутдан. | 13.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 20.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да. (такрор) 15 мин. | 27.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 минутдан |
| **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** | 07.11.99 й. 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 14.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 21.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да. (такрор) 15 мин. | 28.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. |
| **«Ватан тараққиёти» партияси** | 08.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 15.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 22.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да. (такрор) 15 мин. | 29.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. |
| **Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази** | 09.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 16.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 23.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 30.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. |
| **Ҳокимият вакиллик органи** | 10.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 17.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 24.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 1.12.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. |
| **«Адолат» Социал-демократик партияси** | 11.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 18.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | Баҳс. 25.11.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. | 2.12.99 й. соат 11.30 ва 19.30 да (такрор) 15 мин. |

### «СЕЗАМ» РАДИОСИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ЭФИРГА ЧИҚИШ ЖАДВАЛИ

| т/р | Эфирга чиқувчи номзодлар | Куни | Куни | Барчасининг эфирга узатиш вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «Миллий тикланиш» партияси | 4.11.99 й. | 15.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 2. | Фидокорлар МДП | 5.11.99 й. | 16.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 3. | «Адолат» СДП | 8.11.99 й. | 17.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 4. | Халқ демократик партияси | 9.11.99 й. | 18.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 5. | Ҳокимият вакиллик органлари вакиллари | 10.11.99 й. | 19.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 6. | «Ватан тараққиёти» партияси | 11.11.99 й. | 22.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |
| 7. | Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази | 12.11.99 й. | 23.11.99 й. | 15.45 дан — 16.00 гача |

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ЭФИРГА ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1. «Ватан тараққиёти» партияси — 8; 15; 22; 29 ноябрь кунлари, соат 18.45—19.15.
2. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлими — 9; 16; 23; 30 ноябрь кунлари, соат 18.45—19.15.
3. Ҳокимият вакиллик органи вакили — 10; 17; 24 ноябрь, 1 декабрь кунлари, соат 18.45—19.15.
4. «Адолат» социал демократик партияси — 11; 18; 25 ноябрь, 2 декабрь кунлари, соат 18.45—19.15.
5. Фидокорлар миллий демократик партияси — 12; 19; 26 ноябрь ва 3 декабрь кунлари, соат 18.45—19.15.
6. Халқ демократик партияси — 13; 20; 27 ноябрь ва 4 декабрь кунлари соат 18.45—19.15.
7. «Миллий тикланиш» партияси — 14; 21; 28 ноябрь ва 5 декабрь кунлари, соат 18.45—19.15.

### ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ «ТОШКЕНТ» БОШ МУҲАРРИРИЯТИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИНИ ЭФИРГА УЗАТИШ ТАРТИБИ

(«Сайловлар минбари» — эфир вақти 12.45—13.00)

1. Ҳокимият вакиллик органлари — 4; 11; 18; 25 ноябрь.
2. «Миллий тикланиш» партияси — 5; 12; 19; 26 ноябрь.
3. Халқ демократик партияси — 6; 13; 20; 27 ноябрь.
4. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази — 7; 14; 21; 28 ноябрь.
5. Фидокорлар МДП — 8; 15; 22; 29 ноябрь.
6. «Ватан тараққиёти» партияси — 9; 16; 23; 30 ноябрь.
7. «Адолат» СДП — 10; 17; 24 ноябрь, 1 декабрь.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТГАН ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ, МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАРҒИБОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ГАЗЕТАНИНГ ИККИ САҲИФАСИ (ИККИ ИНТЕРВАЛДА 35 ҚОҒОЗ) ҲАЖМИДА ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ:**

1. Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органи.
2. «Адолат» социал демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши.
3. Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши.
4. «Миллий тикланиш» партияси Тошкент шаҳар кенгаши.
5. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлими.
6. «Ватан тараққиёти» партияси Тошкент шаҳар кенгаши.
7. Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши.

---

## ДАВР САДОСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатга 280 минг тонна пахта топшириб шартнома режасини бажарган Тошкент вилояти меҳнаткашларини меҳнатда эришган зафарлари билан қизғин қутлади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Яҳё бин Абдужаббор ва Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳусайн Нарокиёнлар Ишонч Ёрлиқларини топширишди. Шунингдек Президент Ислом Каримов Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Артур Пугадан Ишонч Ёрлиғини қабул қилиб олди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Шундай қилиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 160 номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 135, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 115, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 223, Халқ демократик партиясидан эса 246 номзод рўйхатга олинди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда республика банк тизимининг жорий йил ўтган тўққиз ойдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

◆ Пойтахтдаги «Туркистон» саройида автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда тармоқ илғорлари ва фахрийлари, мутахассислар, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

◆ **Эртага** АҚШда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги бошланади.

◆ 5 ноябрь куни Сочида Россия ва Арманистон Президентлари Борис Ельцин ва Роберт Кочерянларнинг учрашуви бўлиб ўтиши керак. Унда Қорабоғ муаммосига оид масалалар муҳокама этилади.

◆ **Кеча** Украинада мамлакат президенти сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра 13 кишилик даъвогарлар орасида 37 фоиз овоз тўплаган Леонид Кучма биринчи ўринни, 22 фоиз овозга эга бўлган Пётр Симоненко эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

◆ Доминикан Республикасида оммавий равишда иш ташлаш бошланди. Хабарларга кўра норозилик намойишлари мамлакатнинг бир неча шаҳарларида транспорт қатновини издан чиқарган. Намойишчилар ҳукуматга ёқилғи нархини ошириш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳамда миллий пул бирлиги — песони АҚШ долларига нисбатан девальвация қилиш талабини қўймоқда.

◆ Япониянинг «Мицубиси моторз» компанияси ёқилғини тежамли ишлатиш бўйича рекорд ўрнатди. Унинг ишлаб чиқарган янги «Пистатио» автомобили бир литр бензин билан 30 километргача масофани босади.

◆ Алмати марказидаги Александр Пушкин номи билан юритилувчи кўчада шанба куни улуғ шоирнинг ҳайкали тантанали равишда очилди.

◆ **Бугун** Ослода Исроилнинг собиқ Бош вазири Исҳоқ Рабин вафотининг тўрт йиллиги муносабати билан бир қатор мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтади.

◆ Иркутск — Хитой йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган «ИЛ-76» юк самолёти тўсатдан рўй берган авария ҳолати туфайли Бурятия аэропортига қўнишга мажбур бўлди.

◆ Барнаулнинг Заринск шаҳридаги тўққиз қаватли биноларнинг бирида портловчи қурилма топилди. Маълумотларга қараганда уни бинони назорат қилиб юрган чилангарлар кўриб қолган. Текширув ишлари олиб борилмоқда.

**1999** *5 декабрь* **САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН** **2000** *9 январь*

*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга* **34:** КУН ҚОЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига* **69:** КУН ҚОЛДИ






**Мирзо Улуғбек туманидаги сайлов округлари ва участкаларида ҳам бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.**

**Юқоридаги суратда 5-Дархон сайлов округи тасвирланган. Унда навбатчи Жўра Собиров (ўртада) сайловчиларга керакли маълумотларни бераётир.**

**Пастдаги суратда шу туманда жойлашган 82-сайлов участкаси раиси Раъно Маъдиева (ўртада) ташвиқотчилар билан навбатдаги тушунтириш ишларини олиб бормоқда.**

**Рустам Шарипов олган суратлар.**

# СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

*«Ҳурматли таҳририят!*
*Олий Мажлисга бу йилги сайловларда «Сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган гап пайдо бўлди. Шу гуруҳлар, уларнинг ваколатлари, қилаётган ишлари ҳақида қисқача хабар берсангиз»*

*Б. АҲРОРОВ,*
*Юнусобод тумани.*

Ҳақиқатан ҳам «Сайловчилар ташаббускор гуруҳи» ибораси бу йил биринчи марта ишлатиляпти ҳамда бундай гуруҳларга сиёсий партиялар ҳамда ҳокимият органлари билан баравар Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Шуни айтиш жоизки, бу билан бевосита халқнинг ўзи республика парламентига ўз номзодини қўйишга шароит яратилади. Албатта, сайловлар ҳақидаги қонунга бундай банднинг киритилиши ҳам Истиқлолимизнинг шарофати бўлиб, мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан собитқадамлик билан бораётганининг муҳим бир исботидир.

Бундай гуруҳлар, одатда, тегишли сайлов округида камида юз нафар сайловчидан иборат қилиб тузилиши мумкин. Албатта, бу ишни ташкил этувчи бир ёки бир неча ташкилотчи мазкур ҳудудда энг обрўли, халқпарвар, қонунларни чуқур биладиган, яхши сиёсатдон кишини Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ниятида шундай гуруҳни кўпчилик билан тузади. Матбуот хабарларига қараганда республикамизда 155 та шундай гуруҳлар тузилган ва улар округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодлар рўйхатга олиниши учун улар округ сайловчилари умумий сонининг 8 фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашлари керак бўлади. Юқоридаги ташаббускор гуруҳлар тажрибаси шунча имзони тўплаш унчалик осон эмаслигини кўрсатди. Гап шундаки, номзодни қўллаб-қувватловчи фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши лозимлиги қонун билан белгиланган. Нима бўлганда ҳам бу галги сайловларда бевосита халқ томонидан кўрсатилган номзодлар салмоғи ҳам анча кўпчиликни ташкил этиши аниқ. Мутахассислар ҳозирдаёқ янги сайланадиган парламентимизда мустақил депутатлар фракциядан бўлишини башорат қилишмоқда.

* * *

***«... Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда «Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Фуқаролари эгадирлар» дейилган. Демак, республикамизнинг ҳамма фуқаролари депутат этиб сайланиши мумкинми ёки бу борада чекланишлар ҳам борми?»***

*С. ИЗЗАТОВ,*
*С. Раҳимов тумани.*

Албатта, давлатимизнинг демократик тамойиллари асосида, умуммиллий, умумхалқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар олдига қўйиладиган алоҳида талаблар ҳам мавжуд бўлиб, уларни рўйхатга олишда бу ҳолат ҳисобга олинади. Юқорида Сиз тилга олган қонуннинг 23-моддасида гап айнан шу ҳақда кетади, яъни

«Қуйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳукумат аъзолари, судьялар, бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар».

Кўриниб турибдики, юқоридаги талаблар сайловлар жараёнида ҳам, парламент шаклланганидан кейин ҳам жамиятимизнинг демократик қонун-қоидалари бузилиши эҳтимолининг олдини олишга қаратилган.

* * *

***«... Ўсмирлар 16 ёшга тўлишлари билан фуқаролик гувоҳномаси бўлган паспортни оладилар. Лекин сайлов ҳақидаги қонунда фақат 18 ёшга тўлгандан кейингина сайлаш, 25 ёшга тўлгандан сўнг Олий Мажлис депутатлигига сайланиш ҳуқуқи берилади. Нега ўша паспорт олинган кундан шундай ҳуқуқ берилмаган?»***

*Б. АЛИМАРДОНОВА,*
*Ҳамза тумани.*

Бизнингча, бу ерда Олий Мажлис — яъни қонун чиқарувчи олий ҳокимият органини шакллантириш жуда муҳим сиёсий ҳаракат эканини ҳисобга олиш керак. Масалан, 16 ёшли ўсмирларни оладиган бўлсак, улар амалда мактабларнинг юқори синфларида ўқишни давом эттираётган бўладилар. Ислоҳ қилинган таълим тизимида ҳам бундай ёшлар энди касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларнинг биринчи курсларида таълим олаётган пайтлари бўлади. 18 ёшда эса улар шу коллеж ва лицейларни (ўрта мактабни) тугатиб, ҳақиқий балоғат ёшига етадилар. Албатта, уларнинг дунёқарашлари сиёсат, сиёсий тузилмалар бўйича муайян тушунчалари бўлади ва ўз хоҳиш-иродаларини мустақил ифодалай оладилар. Жамиятимиз эса сайловларга ана шундай онг-шуур билан ёндошишдан манфаатдор.

Депутат этиб сайлаш бўйича ёш цензи ҳам инсоннинг маълум ҳаёт тажрибасига, қолаверса етарли даражада сиёсий билим ва тажрибага эга бўлиши, маълумоти ҳам парламентдаги қонунчилик фаолиятида фаол иштирок эта оладиган ҳолатга етишини ҳисобга олиб белгиланган. Зеро, Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар инсон ва жамият тараққиётини ҳар томонлама таъминлайдиган, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада мукаммал ва ҳаётий кучқудратга эга бўлиши керак. Қонун лойиҳаларини ана шундай таҳлил этиш учун эса юқорида таъкидлаганимиздай, ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий тажриба, етарли даражада ҳуқуқий саводхонлик зарур бўлади.

# ЮКСАК ОНГ БИЛАН ЁНДОШАЙЛИК

***Бугун Республикамизда шундай бир тарихий жараён бошланиб кетдики, ҳар биримизнинг келажак ҳаётимиз, кўп жиҳатдан ана шу жараёнга онгли ва маънавий, ҳуқуқий муносабатда бўлишимизга боғлиқдир.***

Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу мазкур жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва ҳокимият маҳаллий вакиллиги органларига сайловларнинг тобора яқинлашиб келаётганлигидир.

Бу умумхалқ сайлов жамиятда демократик тамойилларни, қонун устуворлигини ва халқнинг сиёсий онги қай даражада етук эканлигини кўрсатувчи ўзига хос синов бўлиб ҳисобланади. Маълумки, ушбу сайловларда ҳар бир ўринга бир неча номзодлар даъвогарлик қилишади. Бу номзодлар эса турли сиёсий партияларга мансуб бўлиши мумкин. Худди шу сабабли ҳам сайлов — бу энг аввало номзодлар ва қолаверса турли сиёсий партиялар ўртасида кураш асосида ўтиши шубҳасиз.

Бугун сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбида сайлов руҳи мужассам. Эркин сўз ва эркин фикрга таянган ҳар бир Ўзбекистон фуқаролари сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунадилар. Ана шу тушунча уларни сайловларга юксак онгли, ҳуқуқий ва маънавий муносабатда бўлишга ундайди. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқарога сайловлар жараёнида жуда катта имкониятлар берилгани Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида белгилаб қўйилган. Унга кўра фуқаролар Олий Мажлис депутатлигига ва халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайловчилар ҳар жиҳатдан етук, билимли, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, Ватани, халқи учун жонини ҳам аямайдиган, элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган, жамият учун фойда келтирадиган фидойи инсонни депутатликка сайлаши лозимки, бу Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам, давлат учун ҳам айни муддао бўлади. Бунда сайловолди ташвиқоти ва ишончли вакилларнинг роли беқиёсдир.

Бугун депутатликка номзоди кўрсатилаётган ҳамюртларимиз ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши, маънавияти барқарор, юксак ҳуқуқий онгга, билимга, камолотга эришган инсон бўлиши ҳақида бир ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро, депутатликка номзодларга овоз беришдан олдин, сайланаётган номзодлар юртимиз келажаги, истиқболи, равнақи учун курашишга қодир эканлигига эътибор беришлари лозим.

***Ғайрат МУҲАММАДАЛИЕВ,***
***Тошкент Давлат юридик институти Назорат инспекцияси ходими.***

*Транспорт*

# МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛУВЧИЛАР

***Биз одатда корхоналар, завод ва фабрикалар ҳақида кўп ва хўп ёзишга одатланиб қолганмиз. Аммо, тонг саҳардан то ярим тунгача бизнинг хизматимизда бўлиб, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган бир касб эгалари борки, уларнинг ишларига ҳар қанча тасаннолар айтсанг арзийди.***

Кундалик режаларимизнинг амалга ошишида ва эзгу ниятларга тезроқ етишимизда ана шу соҳа фидойиларининг хизматлари улкан эканини унутиб ҳам қўйганмиз. Хуллас, бу фидойи инсонлар автотранспорт ходимлари — автобус ҳайдовчиларидир.

Бу ҳикоямиз бош мавзу қаҳрамонлари пойтахтимиз аҳолисининг ҳақли равишда ҳурматини қозониб келаётган 28-автобусларнинг моҳир ҳайдовчилари тўғрисида бўлади.

Бу автобус «Чкалов метроси — Шифокорлар шаҳарчаси» йўналиши бўйлаб шаҳарнинг қоқ ва қайноқ қисмида ҳаракат қилади. Уни чин маънода ёшлар ва талабалар маршрути дейишади. Ҳақиқатан ҳам автобусда асосан ёшларга дуч келасиз. Негаки, йўналишнинг ҳар икки қисмида 1- ва 2- Тошкент Давлат тиббиёт институтлари жойлашган бўлиб, талабаларнинг дарсга қатнашлари учун энг қулай автоулов мана шу автобус ҳисобланади.

Маршрут йўналишига замонавий, янги автобусларнинг қўйилиши иш унумини янада оширишга хизмат қилмоқда. Аҳолига намунали хизмат кўрсатишдан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳам ниҳоятда мамнун бўлишмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўлади, албатта. Ойлик чипталари кўп бўлишига қарамасдан рейсларнинг кундалик ва ойлик режалари бажарилиши мунтазам ўсиб бормоқда. Бу ҳол 8-автокорхона учун ҳам, қолаверса, ҳайдовчилар учун ҳам даромадларнинг ошишига замин яратмоқда. Ушбу маршрут бригадири Александр Ашотович Саиян бизлар билан суҳбатда шундай деди:

— Инсон учун халққа хизмат қилишдан ҳам олий бахт борми? Шахсан мен ўз касбим билан фахрланаман ва халқнинг оғирини-енгил, узоғини-яқин қилишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Ҳамкасбларингиз тўғрисида гапириб беринг, деганимизда, Александр Ашотович қуйидагиларни тўлқинланиб сўзлади:

— Ҳамкасбларим ҳақиқатан ўз касбларини севади ва ҳурмат қилади. Баҳром Орипов, Рихсивой Алиев, Ғаффор Йўлдошев, Шуҳрат Ходиметов, Тоҳир Одилов ва Ғулом Холматовлар автокорхонамизнинг ҳурматга сазовор бўлган, фахрига айланган ҳайдовчиларидан. Бу рўйхатни янада давом эттириш мумкин. Шундай қалби қайноқ, меҳри дарё ўртоқлар билан бирга ишлаш менга ҳам завқ, ҳам куч беради...

Жамоа ҳаёти билан танишиш давомида бригадирнинг гаплари ўринли эканига амин бўлдик. Жамоанинг аҳиллиги, бир-бирларига муносабати ва ширин сўзлиги барча муваффақиятлар гарови десак, хато қилмаймиз.

Ёшларга шижоат, собит қадамлик ярашади. 28-маршрут автобуси ҳайдовчиларининг аксарият қисми ёшлардир. Ёшлар бор жойда ҳамиша қувонч ва баҳорий кайфият устунлик қилади. Бригадир тилга олган ҳамкасблари сафида ишлаб чарчамайдиган, меҳнатдан қувват оладиган оловқалб ёшларнинг кўплиги қувончли ҳолдир.

Илғор ҳайдовчилардан Лутфулла Саидхўжаев, Маҳмуд Толипов, Шуҳрат Қаландаров ва Саидамин Ваҳобовларни ҳақли равишда катта жамоанинг келажаги дейиш мумкин. Улар меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, жўналишларнинг жадвал бўйича ўз вақтида юришини таъминламоқдалар. Бундан аҳоли ҳам, корхона ҳам манфаат кўрмоқда.

Ҳа, ҳайдовчилик шарафли, аммо машаққатли касб. Ҳайдовчиликнинг шуҳратини кўтарган ва қийинчилигига чидаганларгина унинг нонини ейди, роҳатини кўради. Бу касбнинг номини улуғлаб, йўловчилар олқишини олиб келаётган шаҳримизнинг барча жонкуяр ҳайдовчиларига шундай тилак қиламиз:

— Йўлингиз ҳамиша бехатар бўлсин! Сизлар барчанинг савобини олиб, борар манзилларига соғ ва омон етказаётган экансиз, Оллоҳ Сизни ҳам ниятларингизга етказсин! Меҳнатларингиз роҳатини кўринг!

***Мейлижон САДИРОВ,***
***Вазира НУРМАТОВА.***



**Ҳамза туманининг М. Мусахонов кўчасида қад ростлаётган уйнинг пардоз ишлари тугалланиб бормоқда. Бу уй ўн олти хонадонга мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳар бири уч-тўрт хонадан иборат. Қурилиш ва пардозлаш ишларини «Тошчетэлқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 2-қурилиш бошқармаси олиб бормоқда.**

**СУРАТДА: қурувчилар Файзулла Ҳамдамов, Аваз Умаров, Отабек Қодировлар лойиҳани қайтадан кўздан кечирмоқда.**

***Темур Қурбонбоев олган сурат.***

*Шаҳар хўжалиги мавзуида*

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

***деб огоҳлантиришди шаҳар Санитария-эпидемиология бош бошқармасига қарашли мутасаддилардан бири. Ёқиб юборсак шунча зарари кўпми? Уни тўплаб ахлатга ташлаган билан барибир қаердадир ёқиладику. Шу боисдан хазон ёқишнинг зарари ҳақида маълумот берсангиз.***

*Шаҳодат ОЛИММОВА,*
*Мирзо Улуғбек тумани.*

Газетхон Ш. Олиммованинг саволига Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Санитария-эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Шодиев қуйидагича жавоб берди:

— Юртимизда куз фасли ҳукм сурмоқда. Хазонрезгилик мавсуми юртимиз аҳолиси учун яна бир муаммони келтириб чиқаради. Кўчалар, мавзелар, даҳалар, маҳаллалар ҳудудлари хазон ва шохшаббалар билан ифлосланмоқда. Шаҳарда тўпланиб қолган барг хазонларини фуқаролар томонидан ёқиб юбориш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу билан атмосфера ҳавосига маълум миқдорда путур етказилмоқда. Ҳар бир килограмм хазон чиқиндиси ёқилганда 30 метр куб кислород сарф бўлади. Демак, 30 метр куб ҳаво билан бир суткада 330 га яқин инсонлар нафас олиши мумкин, борди-ю 100 килограмм чиқинди ёндирилса 3000 га яқин инсонлар тоза ҳаводан маҳрум бўлиши мумкин. Тарқалаётган тутун ва чанг зарралари таркибида инсон организми учун жуда заҳарли бўлган углерод, водород-сульфид, аммиак, ис гази, бензопирен, тетраэтилқўрғошин ва концироген моддалари мавжуддир. Бундан ташқари, олимларнинг аниқлашларича ҳавонинг бундай бузилиши турли касалликларнинг келиб чиқишига, айниқса, аллергия ва бронхиал астма хасталикларининг авж олишига сабаб бўлади. Хазонлар мунтазам ёқиладиган бўлса барг хазонларнинг заҳарли моддаларига тўйинган тутуни ўпкадан қонга ўтади ва ундан жигар, буйракни зарарлаб, бутун организмнинг заҳарланишига олиб келиши мумкин.

Шундай экан, барг ва хазонларни ёқишдан чиққан тутун об-ҳавони заҳарлаши, қоракуя ва зарарли газлар инсон сиҳат-саломатлигига катта зиён етказишини чуқур ва виждонан ўйлашимиз керак..

*«Оқшом» шарҳи*

# ТЕРРОРЧИДА ИЙМОН ЙЎҚ, ИЙМОНСИЗДА МИЛЛАТ ЙЎҚ

***Чеченистонда давом этаётган урушнинг туб негизлари халқаро террорчилар ҳаракатига тақалаётгани, Россияда қисқа муддатларда юз берган бир неча портлашлар, Тошкентдаги 16 февраль воқеалари, Афғонистон, Тожикистондаги сурункали хунрезликлар-у, гуруҳбозларнинг ҳокимиятга интилиб қон тўкишлари — ҳаммаси энг сўнгида эса Қирғизистон жанубидаги воқеалар ахборот воситалари орқали қайта-қайта таъкидланмоқда.***

Покистондаги давлат тўнтариши, Индонезия, Белоруссия пойтахтларидаги чиқишлар, тўқнашувларни айтмайсизми?! Буларни санаб охирига етгунингизча, яна бир ҳудуд — Тожикистонда ва Санкт-Петербургда одамларни отиб кетиш ҳоллари содир бўлиб қолди. Чеченистон қочқинлари сони тобора ортиб, Ингушетияга ўтмоқда. Ингушетия раҳбари эса, қочоқларга озиқ-овқат ҳам, вақтли яшаш учун палатка, дори-дармонлар етмаётганини таъкидлаб Россиядан ёрдам сўраш билан овора. Ниҳоят кечагина Финляндияда Европа Иттифоқига аъзо давлат бошлиқларининг йиғини бўлиб, унда Чеченистондаги урушни кенгайтирмаслик, музокараларга ўтиш масаласи ўртага қўйилди.

Россиянинг Бош вазири Владимир Путин Россия музокараларга тайёр, аммо ҳозир Чеченистонда ҳукумат йўқ, Аслан Масхадовга террорчилар бўйсунмайди, деган фикрни билдирди. Шу орада Грозниййдаги марказий бозорда портлаш бўлиб, юздан ортиқ одам ҳалок бўлгани, яна аллақанчаси жароҳат олгани айтилди... Чеченистон бозорга Россия ракета билан зарба берди, деса, Россия у ерда қурол-яроғ билан савдо қилаётган террорчиларнинг омборхонаси баъзи отишмалар билан портлаган деб изоҳлайди ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, ҳар қандай шароитда ҳам тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмаган жойда зиддиятлар, қарама-қарши курашлар, гуруҳбозликлар кўпайиб кетаверади, гуруҳбозларнинг уруш-талашлари эса бутун мамлакатни вайронага дучор қилаверади. Оддий халқ бошига кулфат ёғаверади...

Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса, дунёнинг қайси бурчагида хунрезлик, гуруҳбозлик авжига чиққан бўлса, бу воқеа дастлаб ўша мамлакатнинг ҳукмрон раҳбари, етакчи шахси фаолиятига бориб тақалаверади. Ахир бирорта халқ ёки миллат, оддий фуқаролар ўзларича юртнинг раҳбари буйруғисиз бир-бирлари билан урушга борганини тарих билмаса керак?! Террорчилар ҳам худди шундай: қора ниятли кимсалар ёвуз мақсадларини дин, Ватан, диёнат, эътиқод сингари инсон учун энг муқаддас бўлган иборалар билан ниқоблаб туриб амалга ошираётгани бугун бизга беш қўлдек аён.

Дунёда рўй берадиган айрим шовинистик, улуғ давлатчилик, ёки улуғ миллатчилик деб тушуниладиган сиёсатларни қўллаш доимо турли миллат ва диний эътиқодга эга фуқаролар ўртасида зиддиятлар келтириб чиқаради. Жумладан, бугунги Югославиядаги воқеалар худди шу заминда пайдо бўлгани ва бунинг учун айбдор деб ҳисобланаётган Милашевични халқаро судга бериш ҳақида гаплар кетаётгани сир эмас...

Жаҳондаги турли-туман воқеа-ҳодисалар нақадар мураккаб, чалкаш, қалтис бўлмасин, энг обрўли уюшма бўлмиш — БМТ ҳамиша уларга эътибор бериб келаётгани маълум. БМТнинг тузилганига ярим асрдан ошди. Унинг жуда кўп соҳалар бўйича қўмиталари бор, булар орасида энг обрўлиги албатта хавфсизлик қўмитаси. Жаҳонда тинчлик-тотувликка даъват этилган бу қўмитанинг Афғонистондаги кейинги вакили икки йилдан буён бирор ижобий натижага эриша олмай ўз ихтиёри билан лавозимидан кетгани, Афғонистонни тарк этганини қандай тушунмоқ керак? Шундай обрўли ташкилот шунча узоқ йиллардан буён давом этаётган Афғонистон можаросини тинчита олмаса, бу ҳам етмагандай 7—8 йилдан буён бу уруш Тожикистонга ёйилгани, эндиликда эса, Тожикистонда «мухолиф» номи билан бемалол ўрнашиб олган террорчилар ён-атрофига кўз олайтираётганини қандай баҳоламоқ керак?

Хуллас, жаҳонда нималар бўлаётганини ўйлаб қаралса, асос-эътибори билан мамлакатга етакчилик қилишдек масъулиятни ўз зиммасига олиб, қасамёд этган биринчи шахснинг маънавий оламига, бутун борлиғига бориб тақалади. Ҳар бир ҳукмрон раҳбарнинг фаолияти эса унинг ўз халқи, эл-юрти тараққиётини ўйлаши, аҳоли турмуш тарзи, осойишталиги йўлида қилган баракали хизматлари билан ўлчанади.

